

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 7-avgust, chorshanba № 60 (15698)

## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



### БУНЁДКОРЛИК, ЯРАТУВЧИЛИК ВА ФАРОВОНЛИК

*Мамлакатимиз банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ана шундай эзгу мақсадга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир*

Юртимиз мустақиллигининг 22 йиллик шодиёналари тобора яқинлашмоқда. Аслида, бундай қутлуғ даврни йиллар билан эмас, балки амалга оширилган ишлар, янгиланишлар, ислохотлар самараси билан ўлчаш ўринлидир. Зеро, шу қисқа фурсатда қўлга киритилган ютуқларга назар ташласак, уларнинг натижасидан кўнгилларимиз ифтихорга тўлади.

Дарҳақиқат, тарихан қисқа, шу билан бирга, асрларга тенг бўлган даврда жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларидаги каби банк тизимида ҳам давлатимиз раҳбари бошчилигида улкан ислохотлар амалга оширилди.

Натижада ўта қисқа даврда мустақкам иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий асос ва ривожланган инфратузилмага эга бўлган, халқаро андозаларга тўлиқ мос келувчи, барқарор ва ишончли фаолият юритувчи банк тизими барпо этилдики, бугунги кунга келиб у юртимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар, модернизациялаш жараёнларида ҳал қилувчи омиллардан бирига айланди.

Шубҳасиз, бунда Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва халқаро ҳамжамият эътирофига сазовор бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг «ўзбек модели» бош мезон бўлди. Бинобарин, мазкур стратегик дастур давлат қурилишини тубдан янгилаш, иқтисодий мафкурадан холи этиш, давлатнинг бош ислохотчи вазифини бажариши, яъни ислохотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириб бориш тамойилларига асослангандир.

(Давоми 4-бетда)



Сардор Муллахонов фотоколлажи

Navqiron avlod so'zi

## Ҳеч кимга, ҳеч бир бойликка алмашмасман!

Мен туғилиб ўсган туپроқ дунёни лол қолдирган неча-неча буюқ зотларнинг бешигидир. Менинг қишлоғимда дунёдаги энг тотли мевалар пишади. Бу жойларнинг табиатию зилол сувини бошқа ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Мен билим олган Фарғона вилояти Данғара саноат коллежидан таълим олиш учун дунёнинг манаман деган мамлакатидан ҳам зиёда шароитлар яратилган. Ва фақат бизнинг юртда мен каби ёш, интилувчан қизларнинг иқтидорию қобилияти давлат мукофоти билан рағбатлантириб келинмоқда. Эҳ-ҳе, Ўзбекистонимиз таърифи, шоир ибораси билан айтганда, дostonларга ҳам сизмайди...

Эсимда, икки йил аввал Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» номли китоби нашр этилганда, уни дарҳол ўқиб чиққандим. Истиқлолга эришгунга қадар бўлган суронли йилларни ўз бошимдан

кечиргандай бўлдим гўё. Биз, ёшлар кўп воқеа-ҳодисаларни билмас эканмиз. Китобдан олган таассуротларим, кечинмаларимни тенгдошларим билан бўлишим келди. Шунда мен «Ҳайрат» номли эссе ёздим. Уни бирин-

чи бўлиб ота-онам, кейин курсдошларим ва коллежимиз ўқитувчилари ўқиб чиқди. Эсседан таъсирланмаган одам йўқ эди. Ўтган йили бу ижодий ишим билан «Ватан ягонадир, Ватан биттадир!» республика танловида қатнашиб, ғолиб бўлдим.

Китобни мутолаа қиларканман, ичимда Юртбошимизга айтадиган кўп гапларим йиғилиб бораверди. Ниҳоят, барча фикрлар, ҳайрат ва ҳаяжонимни жамлаб, дилдаги гапларни қозғашга туширдим — мен илк марта минглаб ёшлар номидан Президентимизга мактуб ёздим. Ушбу номам жорий йилда нашр қилинган «Президентга мактублар» тўпламининг 3-жил-

дидан ўрин олди. Бундан қанчалик қувонганимни билсангиз эди.

Бу йил ҳаётимда унутилмас яна бир воқеа содир бўлди. Мен Зулфия номидаги Давлат мукофоти сазовор бўлдим. Шунинг эвазига ўзим орзу қилгандек Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига имтиёзли равишда ўқишга кирдим. Энди мен талабаман! Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мустақиллик куни яқинлашиб келавергани сари қалбим ҳаяжонга тўлиб боради. Бунини сўз билан ифодалаш қийин...

**Фаридахон  
УМАРАЛИЕВА,  
Зулфия номидаги  
Давлат мукофоти  
соҳиби**

# Хайрли ишда бирдам тенгдошларимиз

Баҳор эди, йўл ёқасидаги бир қабристоннинг сарғайган ҳас-чўплари ёниб кетганини кўриб, кўнглим хижил бўлганди. Яқинда яна ўша ёққа йўлим тушди. Қабристон атрофи девор билан ўралиб, тозагина сақланмоқда. Бундай хайрли ишни қилганларга раҳмат айтиб, хурсанд бўлдим. Шунда кексалардан қолган, қайси юртнинг турмуш тарзини билмоқчи бўлсанг, аввало, унинг бозорини, сўнгра мазорини кўргин, деган ҳикматли гап ёдимга тушди.

Юртимизда азал-азалдан ҳар бир айём арафасида ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида аҳамият қаратилган. Зеро, ана шу тараддуд ва тайёргарлик халқимизнинг ўлмас қадриятларидан бири — ҳашар ишларида янада яққолроқ акс этади. Бугун ушбу анъана, юрт ободлиги, тоза ва кўркамлигига ҳисса қўшиш ҳар бир инсоннинг бурчига айланиб бораяпти. Бундай хайрли ишлардан четда қолмаслик учун тенгдошларимиз «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ташкил этилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида, туркум лойиҳа ва акцияларда фаол қатнашиб келяпти.

Яқинда Ҳаракат яна бир лойиҳага қўл урди. «Юртимни обод этаман!» деб номланган ушбу лойиҳа «Аждодлар руҳини шод этайлик, қабристонларни обод этайлик!» шиори остида ўтмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги мавжуд қабристон ва зиёратгоҳларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришга қаратилган мазкур лойиҳа сентябрга қадар давом этади. Лойиҳа Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, Ўзбекистон экологик ҳаракати ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.

Аслида, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бундай лойиҳаларни йил давомида ўтказиб келади. Жорий йил бошларида Ҳаракат тизимларида экологик маданият ва қадриятлар ойлиги эълон қилиниб, «Юртимни обод этаман!» ва «Ҳар бир ёшга бир ниҳол» акцияси ўтказилди. Унда жойлардаги қабристонлар, зиёратгоҳлар, маҳалла гузарлари, таълим муассасалари ҳамда кўча ва хиёбонларда кўчат экиш тадбирлари ташкил этилди. Лойиҳада республика бўйича 5 685 000 нафар ёш қатнашиб, улар иштирокида 25820 гектар майдонда ободонлаштириш ишлари бажарилди. Ойлик доирасида ўтказилган тадбирларда «Камолот» фаоллари томонидан кекса ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга кўмаклашилди.

Ҳаракатнинг ҳудудий кенгашлари ҳам алоҳида ободонлаштириш тадбирларини ташкил этиб келмоқда. Хусусан, Андижон вилояти кенгаши томонидан ўтказилган «Обод вилоятим» ёшлар акциясида 25 мингдан ортиқ ёшлар иштирок этди. Улар вилоятдаги қабристонлар, зиёратгоҳлар, таълим муассасалари, маданият ва истироҳат боғлари, ариқлар ва болалар майдончаларини тартибга келтиришди.

Ҳаракатнинг туман ва шаҳар кенгашлари томонидан ҳокимликлар кўмагида бўш ва қаровсиз қолган ерларда ёшлар иштирокида боғлар ҳам ташкил этилмоқда. Жумладан, Қувасой шаҳрида ўтказилган «Ҳар бир ёшга бир ниҳол» акцияси доирасида ёшлар боғи ташкил этилиб, уч минг тупдан зиёд манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Ёшларда экологик маданиятни юксалтириш мақсадида «Камолот»-«эко» лойиҳаси амалга оширилди. Биргина Тошкент шаҳрида ўтказилган ушбу лойиҳа давомида «Савоб ишни ҳар ким ҳар куни қилиши керак» шиори остида 41 та қабристонда ободонлаштириш ишлари ташкил этилди.

Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида ўтказилаётган «Юртимни обод этаман!» лойиҳаси доирасида республикамиздаги саккиз мингта қабристон ва зиёратгоҳда аҳоли, хусусан, ёшлар иштирокида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари давом этмоқда. Ёшлар иштирокида бўлиб ўтаётган ободонлаштириш ишлари ҳар ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари уюшқоқлик билан ўтказилиши режалаштирилган.

Бу лойиҳада Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар кенгаши алоҳида жонбозлик кўрсатиб, 3-4 август кунлари «Камолот» фаоллари иштирокида оммавий ёшлар ҳашарини ташкил этди. Ўтказилган ҳашарларда қабристонлар ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, дарахтларга шакл бериш ва бошқа шу каби ишлар амалга оширилди.

— Ушбу лойиҳанинг аҳамиятли жиҳати шундаки, бунда ёшлар қабристонларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш орқали халқимизнинг азалий анъаналаридан хабардор бўлишади, — дейди «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар



кенгаши матбуот хизмати ходими Ўткир Маҳкамов. — Уларда аждодлар руҳига чуқур ҳурмат, миллий-маданий меросимизга юксак муҳаббат, шунингдек, ўтганлар руҳини шод этиш ҳисси шаклланади. Икки кунлик ҳашарда «Камолот» ҳамда маҳалла фаолларидан иборат бир ярим мингдан зиёд ёшлар қатнашди. Улар пойтахтимизда жойлашган қирқдан ортиқ қабристонларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб боришди. Пойтахт ёшлари ҳар шанба ва якшанба кунлари бўлиб ўтайдиган ушбу хайрия ҳашарида доимий қатнашиб боришларини билдиришди.

Ободонлаштириш ишларида маҳалла фаоллари ҳам бош-қош бўлиб, ёшларга ўрнак бўлмоқда, зарур маслаҳатлар ҳам берапти.

— Кўпдан қуён ҳам қочиб қутулмас, деганларидек, бирлашиб қилинган ҳар қандай юмуш ҳам тез бажарилади, — дейди Юнусобод туманидаги «Ахилбод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Вячеслав Ким. — Ўзбек халқида ажойиб анъана бор — биргаликда меҳнат қилиш. Ҳашар каттаю кичикка ярашади. Муҳими, у инсонларни бир-бирига кўмаклашиш,

меҳр-оқибатли бўлиб яшашга ундайди. Бу шаҳар шароитида жуда муҳим. Бу анъанани давом эттиришда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан амалга оширилаётган бундай ташаббуслар эътирофга лойиқ. Ёшларнинг бу каби эзгу ва хайрли ишларидан қабристон ходимлари ҳам, маҳалла фахрийлари ҳам миннатдор. Улар юртимизнинг янада обод бўлишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Ёшлар бирлашса, катта куч бўлиши ана шундай хайрли ишларда кўринади.

Ободонлаштириш ишларида чилонзорлик «Камолот»чилар ҳам фаол иштирок этмоқда. Улар мустақиллигимизнинг 22 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида «Қадрқимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида «Кела-

жакка интилган Ватан!» лойиҳасини ишлаб чиқишди. Лойиҳа доирасида туманда жойлашган муқаддас қадамжолар ва қабристонларда «Озод юртга обод масканлар ярашар!» шиори остида хайрия ҳашарларини уюштиришмоқда. Ҳаракат фаоллари ва сардорлар кенгаши аъзолари икки кун давомида тумандаги «Катта Қозиработ», «Илонли ота», «Мозортепа», «Сўгалли ота» қабристонларида бўлиб, ободонлаштириш ишларини бажаришди.

Юртимизнинг ҳар бир қарич ери гулзорга, қабристон ва зиёратгоҳларнинг обод масканга айланишига муносиб ҳисса қўшишни мақсад қилган ёшлар шу кунлари қабристонлар ҳудудларидаги кесилган шох-шаббаларни олиб чиқиб, бетартиб ҳолдаги дарахт ва буталарни тартибга келтиришди. Дарахтларни оқлаб, теварак-атрофни тозалашди.

— «Камолот»чи ёшларимизнинг бундай хайрли ишлари улғу айём арафасида савоб иш ҳисобланиши билан бир қаторда, қабристонларга ўз вақтида чиқа олмаган ва турли сабабларга кўра ҳашарларда иштирок этмаган маҳалла фуқаролари учун ибрат бўлди, — дейди Чилонзор тумани бош имом-хатиби Алимардон Эрназаров. — Ўтганларни ёд этиш, улар ётган манзилларни обод этиш ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиздир. Қувонарлиси, ёшларимиз ўз хоҳишлари билан кўнгилли тарзда ободонлаштириш ишларида иштирок этмоқда. Бундай ёшларни тарбиялаётган ота-оналарга, уларга таълим бераётган устозларга раҳмат.

— Ушбу лойиҳада қатнашиб, шаҳримиз ободлигига ўз ҳиссамни қўшмоқчиман. Қолаверса, ўтганларни ёд этиш, улар ётган манзилларни обод этиш хайрли ишлардандир. Биз Шайхонтохур туманидаги «Шайх Зайниддин бобо» қабристонини бўлиб, ободонлаштириш ишларини олиб бордик. Бу ерда хайрли ишларга бел боғлаган тенгдошларим кўп экан. Бундан кексаларимиз хурсанд бўлиб, бизни дуо қилишмоқда, — дейди «Камолот» фаоли Отабек Собитов.

Бугун юртимизнинг қай бир ҳудудида бўлманг, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари устидан чиқасиз.

Дарҳақиқат, табиат — она, биз эса унинг фарзандларимиз. Шундай экан, ўзимиз яшаб, нафас олиб турган ҳудуднинг табиати мусаффо, атроф-муҳитнинг покиза бўлишига ўз ҳиссамизни қўшайлик!

*Шу ўринда «Юртимни обод этаман!» лойиҳасига оид учта ибратли саволни беришни жоиз топдик. Ўқинг ва жавоб беринг: «Ўтган ойда телефон ва ижтимоий тармоқларда сўзлашишга қанча вақт сарфладингиз? Дўстларингиз билан кафе, ресторан ва компьютер клубларида дам олишга-чи? Яқинларингиз қабрларини зиёрат қилишга қанча вақт ажратдингиз?»*

Хулосани сиз чиқаринг...

**Рустам ЮСУПОВ,**  
**«Turkiston» муҳбири**

Bolalar sporti



## Спорт яхши ўқишга ёрдам беради

**Спорт турлари бўйича ўтказиладиган каттаю кичик мусобақаларнинг нуфуздан қатъи назар, битта муҳим жиҳати бор: уларда келгусида Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатларида қатнашиши мумкин бўлган иқтидор соҳиблари аниқланади. Бугун мамлакатимизда болалар спортининг оммалашishi, ривож топиши йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар замирида ҳам ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб улғайishi билан бирга, келажакда нуфузли халқаро мусобақаларда юрт шаънини муносиб ҳимоя қиладиган спортчиларни тарбиялашдек юқори мақсадлар ҳам бор.**

Сурхондарё вилояти Қизириқ туманидаги мактабларда салкам ўн бир минг нафар ўқувчи ўн битта спорт тури бўйича мунтазам шуғулланиб келаяпти. Уларга 227 нафар малакали мураббий сабоқ беради.

— Қишлоқларимиз ёш истеъдод эгаларига ниҳоятда бой, — дейди Қизириқ туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими жисмоний тарбия услубчиси Сафар Холмуродов. — Жумладан, спорт билан мунтазам шуғулланиб, ютуқларга эришаётган болалар кўп. Айниқса, туманимиз мактабларида шахматга алоҳида эътибор қаратиляпти. Яқинда ўтказилган «Камолот» шахмат тахтаси» анъанавий мусобақасини кузатиб, бунга яна бир марта амин бўлдим.

Спорт билан шуғулланаётган ёшлар орасида қизлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Туман мактабларида спорт билан машғул 10823 нафар ўқувчининг 4035 нафари қизлар. Мактабларда спортсевар қизларнинг шуғулланиши учун ҳам барча шароитлар муҳайё. Масалан, тумандаги 18-мактабда.

— Мактабимизда ажойиб спорт муҳити шаклланди, — дейди Қизириқ тумани Қорасув қишлоғидаги 18-мактаб директори Бибинор Ёдгоров. — Ўқувчиларимиз ўзлари хоҳлаган спорт турлари билан шу-

ғулланишлари мумкин. Футбол, волейбол, шахмат, шашка тўғаракларимиз бор. Қизларимиз учун алоҳида бадиий гимнастика тўғаракини очганимиз. Унда шуғулланадиган қизларимиз вилоят ва республика миқёсида ўтказиладиган мусобақаларда қатнашиб келаятиганининг ўзиёқ бизни жуда мамнун этади. Муҳими, спорт барча ўқувчиларимиз, хусусан, қизларимизнинг ўзига бўлган ишончини ошираяпти. Кўп йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айта оламан, спорт ўқувчининг ўқишига ижобий таъсир қиладди. Жисмоний ҳаракатчанлик туфайли ўспирин фаол бўлади, юриш-туришида дадиллик кўзга ташланади. Биз биламизки, ўсмирлик даврида одамнинг вужудида ўзгача ғайрат, куч-қувват пайдо бўлади. Уни спорт билан шуғулланишга ва илм олишга йўналтиришнинг аҳамияти жуда катта.

Қизириқ туманидаги бошқа мактабларда ҳам ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида спорт тўғараклари йўлга қўйилган. Тумандаги 4- ва 16-мактабларда бўлганимизда янги ўқув йили ҳамда мустақиллигимизнинг 22 йиллиги олдида ўқувчиларнинг пухта билим эгаллашлари ва спорт билан шуғулланишлари учун шароитлар янада яхшиланаётгани гувоҳи бўлди.

**Наргиза РАХМАТУЛЛАЕВА**

## Ғалвир сувдан кўтарилди

**Ишнинг салмоғи сарҳисобда билинади. Ҳаш-паш дегунча ёзги таътилнинг икки ойи ўтиб, августга ҳам етдик. Ўтган вақт мобайнида «Камолот» ЁИХ Сурхондарё вилояти кенгаши қошидаги «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати аъзолари нималарга улгурди-ю, нималарга фурсат етмади? «Бунёдкор»чи тенгдошларимиз ишни ўз вақтида якунига етказа оладими? Яқинда Ҳаракат фаоллари ўтказган сарҳисоб бу борадаги барча саволларга ойдинлик киритди.**

Ангор туманидаги Гулистон массивида қад ростлаётган 45 та замонавий уй-жой қурилишида «Саид Термиз» хусусий корхонаси ота-лиқ 37 нафар маҳаллалардаги тенгдошимиз ва беш нафар коллеж ўқувчиси астойдил меҳнат қиляпти. Улар айна пайтда иншоотларнинг том қисмини ёпиб, ички сувоқлаш ишларини бошлаб юборишди. «Бунёдкор»чи тенгдошларимиз меҳнат шаштини сусайтирмай, шу йилнинг сентябрида уй-жойларни эгаларига топширишни мақсад қилишган.

Сарҳисобга кўра, Шўрчи туманининг Жойилма массивида ҳам иш қизғин. Шу йилнинг март ойида массивда 55 та замонавий уй-жой қурилиши бошланган эди. Термиз давлат университетининг иқтисодиёт ва физика-математика факультетларидан 41 нафар талаба 3 июндан бери бу бинолар қурилишида фаол иштирок этапти. Тенгдошларимиз «Шўрчи тонг сабоси», «Одилшер», «Зиёвуддин Мамадиевич», «Сафарова Моҳичеҳра» хусусий фир-

малари билан икки томонлама меҳнат шартномаларини тузиб, белгиланган талабларга тўла риоя этишмоқда.

— «Бунёдкор»чилар учун туман ҳокимлиги томонидан барча шароитлар яратилмоқда, — дейди «Камолот» ЁИХ Сурхондарё вилояти кенгаши фаол ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими мудири, «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати вилоят штабига доимий ишловчи ходим Умид Кулмамаатов. — Ёшлар уч маҳал озиқ-овқат, тураржой ва маош билан мунтазам таъминланмоқда. Ҳар ҳафтанинг жума куни маданий-маърифий тадбирлар ўтказилиб, меҳнат ҳаракатида фаол қатнашган ёшлар «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши ва туман ҳокимлиги томонидан рағбатлантирилмоқда.

«Бунёдкор»чиларнинг яна бир гуруҳи Термиз шаҳридаги «Ёшлар маркази» қурилишига ўз ҳиссасини қўшяпти. Айни пайтда марказда ички бўёқлаш ишлари қизғин давом этмоқда. Ёш меҳнатқашлар марказ биносини мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллиги арафасида фойдаланишга топшириш ниятида. Термиз шаҳридаги яна бир бунёдкорлик 1-мусиқа ва санъат мактабига олиб борилмоқда. Унда 47 нафар «Бунёдкорчи» талаба янги ўқув йилини ука-сингиллари чиройли, ёруғ синфларда бошлаши учун ғайрат қилиб ишлаяпти.

Сарҳисоб бу билан тугамайди. «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати аъзоларининг шижоати баланд. Улар юрт ободлигини кўнгли ободлигига пайваста қилиш учун бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишяпти. Қолганини вақт кўрсатади.

**Хайриддин МУРОД,**  
**«Turkiston» муҳбири**

## Кўнгул тўқ, «Атарал»га гап ўйқ

Yoz — o'tmoqda soz

**Дилора 5-синфини аъло баҳоларга якунлади. Ва ёзни яна оромгоҳда ўтказишга қарор қилди. Тумандаги «Атарал» дам олиш масканига келди. Тўғриси, бошида у бу ерни унча ёқтирмади. Кўп ўтмай эса, фикри ўзгарди.**

Қорақалпоғистоннинг Тахтакўпир туманига кираверишда сўлим боғли, ажойиб жой шундоқ кўзга ташланади. У доим хушбўй гуллар, янги келинчақдай дарахтлари билан келганларни пешвоз олади. Шундан сал ўтасиз. Ўтасизу турли расмлар чизилган, узун йўлни учратасиз. Йўл сизни аниқ эртақлар қасрига элтади. Сўрасангиз, ушбу қаср «Атарал» оромгоҳи деб аталади.

«Атарал»да гап кўп. Негаки, унда имкониятлар кўп. Буни замонавий спорт майдончаси, сув ҳавзаси, 300 ўринли томоша зали мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Шунингдек, бу ерда «Чевар қўллар», «Компьютер саводхонлиги», «Ёғоч ўймакорлиги», «Расмлар дунёси», чет тили тўғараклари ҳам мавжуд. Ҳозирда учинчи навбатдаги юз нафар бола шу ерда бўш вақтини мазмунли ўтказмоқда. Масалан, Мамбетулла Султонов уларга бошланғич компьютер саводхонлигини, тикувчи Гулпаршин Хожамуродова матога кашта тушириш, кўйлак, юбка бичиш-тикишни, Ойпар-

ча Алимбетова эса инглиз, рус тилларини ўргатмоқда. Мерхан Айтимбетова Тахтакўпир туманидаги 6-мактабнинг 7-синф ўқувчиси. Ҳозирда «Расмлар дунёси» тўғаракининг фаол аъзоси. У расм чизишга жуда қизиқади. Дам олиш масканига келгач, у устози Айнура Ниятуллаеванинг эътиборига тушди. Ва расм чизиш сирларини астойдил ўрганди.

«Атарал»да спорт билан шуғулланиш — мунтазам машғулот. Одатда, эрталабки бадантарбия волейбол, баскетбол, футбол, теннис, шахмат-шашкага уланади. Кечкурун эса у «Кувнок стартлар», «Ким эпчилу, ким чаққон?», «Спорт — бизнинг дўстимиз», «Ким биринчи?» мусобақалари билан якунланади. Тан олиш керак, спортда тобланаётган тарбияланувчиларнинг иштаҳаси ҳам карнай бўлади. Шунинг учун Набира Сатакеева, Гулжамол Турдиева ҳар куни тўрт маҳал мазали ва сифатли иссиқ овқат тайёрлайди.

— Йигирма мингта китоб фондига эгамиз, — дейди кутубхоначи опа Айимгул Жақ-

симова. — Кутубхонамизда эртақ китоблар кўп, болалар газета-журналлари ҳам бор. Болалар эшигимни ҳеч тиндирмайди. Китоб ўқийди, изланади... Дам олиш маскани кутубхонаси шинам, китобларга бой.

«Атарал» — истеъдодлар маскани. «Биз — истиқлол фарзандимиз» шиоридаги концертда болаларнинг куй-қўшиқлари, жозибали рақс, саҳна кўринишлари билан танишгач, бунга яна бир бор иқдор бўлди. Сўнгра «Истеъдодларни излаймиз» танловида бир нечта қобилиятли ёшларни кашф этдик. Ва илк тасаввурда қалқиган ўйни юзага ҳам чиқардик. Чиндан ҳам истеъдодлар маскани экан бу ер. Буни яна маънавийат хонаси пештахтасидаги «Ёшлик», «Камалак», «Табасум» ёзувлари остидаги нишонлар исботлади. Оромгоҳ раҳбари Қувват Иброҳимовнинг айтишича, у гуруҳлараро ўтказиладиган мусобақада ютган жамоага бериладиган нишон экан. Энг кўп шундай нишон йиққан эса «Йилнинг энг фаол гуруҳи» номинациясида тақдирланади. Рақобат баҳонасида истеъдодни шакллантириш, рағбатлантириш мумкин. Аслида, мақсад ҳам шундай эмасми?!

**Қумар БЕГНИЯЗОВА**

# БУНЁДКОРЛИК, ЯРАТУВЧИЛИК ВА ФАРОВОНЛИК

(Давоми, боши 1-бетда)

## ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРНИНГ ОҚИЛОНА ЕЧИМИ

Ортада қолган йилларни сарҳисоб қилганда, шунга гувоҳ бўламизки, маъмурий-буйруқ-бозлик ва режали-тақсимот тамойиллари ҳукмрон бўлган тизим ўрнига тамонила янги — эркин бозор муносабатлари ва тамойиллари асосланган иқтисодий тизимни барпо этиш ўз-ўзидан, бир текисда ва осон кечгани йўқ. Бу йўлда жиддий муаммолар, тўсиқлар, қарама-қаршилиқлар ва зиддиятларни мардонавор енгиб ўтишга тўғри келган эди. Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» номли асарини мурола қилар эканмиз, халқимиз бахт-саодати, эртанги кунини ўйлаб бошланган ана шу оқилонга сиёсат мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англаб етамиз.

Чиндан ҳам, бундан йигирма икки йил аввалги ҳолатни бир кўз олдингизга келтириб кўринган. Ўша даврларда кучли марказлаштирилган, режалаштиришга асосланган иқтисодий муносабатлар тизимини тугатиш, ривожланган бозор институтлари, механизмларини шакллантириш ва қарор топтириш, иқтисодий мустақилликка эришиш билан бир қаторда, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, айниқса, зарур хизматлар ва озиқ-овқат таъминоти узилишларига йўл қўймаслик каби ҳаётини вазифалар кун тартибидеда долзарб бўлиб турган эди.

Мустақилликка эришилгандан кейин олдимизда янги истиқболли тармоқларни ривожлантириш мақсадида мамлакатимиз иқтисодиётининг мавжуд таркибини ўзгартириш, табиий бойликлардан унумли фойдаланиш, асосий эътиборни жаҳон андозаларига мос келадиган сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратиш орқали эркин конвертацияланадиган валютани ўз кучимиз билан топишдек асосий вазифа турар эди.

Бундай мураккаб вазифани бажариш учун, энг аввало, нефть ва ғалла мустақиллигига эришиш, нефть ва газ, тўқимачилик, электротехника, автомобилсозлик, озиқ-овқат саноатини ривожлантириш зарур эди.

Биргина 1994 йилнинг ўзида чет мамлакатлардан 674 миллион АҚШ долларига тенг нефть маҳсулотлари ва 430 миллион долларлик ғалла сотиб олинди. Бу эса ўша даврдаги умумий импорт ҳажмининг мос равишда 25 ва 16 фоизини ташкил этар эди.

Агар кейинчалик нефть ва ғалланинг жаҳон бозоридедаги нархлари анчагина кўтарилганлигини ҳамда маҳсулотларнинг бошқа ҳамдўстлик давлатлари орқали олиб ўтишда транспорт харажатларининг бир неча баробар ошганлигини эътиборга олсак, ўзимизни нефть ва ғалла билан таъминлашга қаратилган сиёсат бундан ҳам кўп маблағни тежаб қолишга мустақам пойдевор бўлганлиги аёнлашади.

Марказий банк ва тижорат банкларининг кредит қўйилмалари эвазига юзлаб янги корхоналар ишга туширилди, Ўзбекистон учун янги бўлган саноат тармоқларининг ривожланишига асос яратилди. Улар орасида Бухоро ва Фарғона нефтни қайта ишлаш корхоналари, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Асакадаги «GM Ўзбекистон» автомобиль заводи, қатор кимё ва бошқа корхоналар борки, улар ҳақли равишда иқтисодимизнинг байроқдорлари ҳисобланади.

## ЖАМИЯТНИНГ ҚОН ТОМИРИ

Келинг, шу ўринда тарихга бир назар ташлаймиз.

Ўзбекистон 1991 йилгача ўзининг алоҳида мустақил банк тизими ва мустақил пул-кредит сиёсати юритиш имкониятига эга эмас эди. Республикадаги пул-кредит сиёсати эса собиқ иттифоқ давлат банки белгилаб берган қоида ва кўрсатмалар асосида амалга оширилган эди. Бунда пул-кредит сиёсати тўлиқ марказлашган, ёпиқ характерга эга бўлиб, у тўғрисида бирон-бир маълумот ошкор этилмасди. Пул эмиссияси ягона марказдан амалга оширилган ва сўнгра олдиндан белгилаб қўйилган лимитлар асосида республикаларга тарқатилар эди.

Ўша даврдаги банк тизимининг яна бир оғриқли нуқтаси собиқ иттифоқ ҳудудида ички ҳисоб-китобларнинг чалкашлиқларга учраганлиги эди. Совет иттифоқидек катта ҳудудда автоматлаштириш даражасининг пастлиги сабаб банк филиаллари ўртасидаги ҳисоб-китоблар (МФО — филиалларaro айланма) тизими ноқулайликларни келтириб чиқарар, бир шаҳарда жойлашган банк филиаллари ўртасидаги ҳисоб-китоблар ҳафталаб охирига етмай қолар эди.

Шу ўринда Президентимизнинг жамият қон томири — банк тизимини шакллантириш, уни ривожлантиришга алоҳида эътиборини фахр билан таъкидлаб ўтмоқ зарур. Негаки, Ўзбекистон ҳали собиқ иттифоқ таркибидеда бўлган даврдаёқ, Юртбошимиз жасорати туфайли мустақил банк тизимининг тамал тоши қўйилди. Гап шундаки, 1990 йилда Ўзбекистонда саноат, сув хўжалиги ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қурилиш корхоналарини молиялаш, тарихий ёдгориликларни муҳофаза қилиш, қўшма ва юқори рентабелли ишлаб чиқаришни ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида пайчилик асосида «Турон» бирлаштирув тижорат банки ташкил этилди.

## МУРАККАБЛИКЛАР ВА МУВАФФАҚИЯТЛАР

Мустақиллик арафасида ва унинг дастлабки йилларида банк тизими олдида ҳам ўта жиддий муаммолар мавжуд эди. Хусусан, макроиқтисодий вазиятнинг жиддий ёмонлашиши, собиқ иқтисодий макондаги иқтисодий алоқаларнинг узилиши, ишлаб чиқариш ҳамда республикаларaro сав-

до ҳажмларининг сезиларли қисқариши натижасида талаб ва тақлиф мувозанатининг бузилиши, рублга асосланган пул муомаласининг ўта мураккаб-лашиши, муомалада нақд пулларнинг ҳаддан зиёд кўпайиши, юқори даражадаги инфляциянинг юзага келиши, қолаверса, банк операцияларини амалга ошириш учун зарур технологиялар ва тўлов тизимининг мавжуд эмаслиги, ҳаттоки оддий компьютер техникасининг йўқлиги, айниқса, янги тартибда самарали фаолият кўрсата олувчи юқори малакали банк соҳаси маҳаллий раҳбар ва мутахассисларининг тақчиллиги каби ўткир масалалар кўндаланг турар эди. Улар фақат муҳтарам Президентимизнинг эътибори ва ғамхўрликлари ёрдамида муваффақиятли ҳал этилди.

Мустақиллик йилларида замонавий банк тизимини шакллантириш ва уни халқро меъёрларга мос равишда ривожлантириш борасида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб, шуни таъкидлаш жоизки, соҳадаги ислохотларнинг биринчи ва иккинчи босқичларини ўз ичига олган 1991 — 2000 йилларда куйидаги муҳим тадбирлар амалга оширилди.

**Биринчидан**, пул-кредит ва банк тизимини тартибга солувчи ва назорат қилувчи ягона орган, давлатнинг заҳира ва эмиссион муассасаси — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташкил этилди, халқро стандартлар талабларига тўлиқ жавоб берадиган Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» ги Қонуни қабул қилинди.

Марказий банк ҳузурида унинг бош функцияларидан бири бўлган пул эмиссияси сиёсатини амалга ошириш учун зарур бўлган муҳим ёрдамчи корхоналар: Қоғоз фабрикаси, Босмахона, Зарбхона, шунингдек, Қимматбаҳо металл агентлиги ва Республика инкассация бирлашмаси ташкил этилди.

**Иккинчидан**, тижорат банкларини ташкил этиш ва фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги Қонуни қабул қилинди ҳамда икки поғонали банк тизими ташкил этилди. Мамлакатимизда мулкчиликнинг турли шакллари асосланган тижорат банклари, шунингдек, қўшма ва чет эл банклари фаолият юрита бошлади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қонун билан мустақамланган ваколатлари доирасида банк тизими фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

**Учинчидан**, давлат мустақиллигининг рамзи, суверен давлатга хос белги, миллий валютамиз — сўм муомалага киритилди. Бу мустақил самарали пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини берди.

**Тўртинчидан**, мижозлар тақдим этган тўлов ҳужжатларини бир банк муассасасидан

бошқасига почта орқали етказиш усулига асосланган эски тўлов тизими ўрнига МДХ мамлакатлари ичидеда биринчилардан бўлиб ҳар томонлама қулай, транзакциялар сони ва банклар ўртасидаги масофадан қатъи назар, тўловларни реал вақт режимида амалга оширишга қодир бўлган замонавий электрон тўлов тизими ишга туширилди.

**Бешинчидан**, собиқ иттифоқ банк тизими фаолиятини тартибга соладиган, марказлаштирилган, режали иқтисодий тизим талаблари асосида ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар тўлиқ бекор қилиниб, бозор иқтисодиёти тамойилларига хос бўлган махсус қонунлар ва банк фаолиятининг ҳар бир йўналишини тартибга солувчи, халқро стандартлар талабларига асосланган мукамал меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилди.

**Олтинчидан**, манфаатдорликни пасайтирадиган, молиявий воситачилик самарадорлиги ва кўламларини оширишга тўсқинлик қиладиган фоииз ставкалари ҳамда кредит миқдорлари бўйича лимитлар ўрнатиш каби чекловлар бекор қилиниб, банклар фаолиятини тартибга солишнинг билвосита инструментлари жорий қилинди.

**Еттинчидан**, тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби тўлиқ автоматлаштирилди, халқро андозаларга мос келувчи бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳамда молиявий ҳисоботлар тизимлари жорий этилди. Банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг банк фаолиятини лицензиялаш ва банклари назорат қилиш, масофадан назорат қилиш ва жойига чиқиб текшириш услублари амалиётга татбиқ қилинди.

**Саккизинчидан**, лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртлари ва уларнинг кафедралари, шунингдек, Банк-молия ҳамда Давлат ва жамият қурилиши академиялари ҳамда хориждаги ўқув юртлари билан ҳамкорликда юқори малакали банк мутахассислари ва раҳбар ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини доимий ошириб боришнинг самарали тизими яратилди.

Умуман олганда, банк тизимида амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг биринчи ва иккинчи босқичларини ўз ичига олган 1991 — 2000 йилларда Ўзбекистонда мустақил банк тизимининг ташкилий, ҳуқуқий асослари ва мукамал инфратузилмаси шакллантирилди. Банклар фаолиятини лицензиялаш, тартибга солиш ҳамда назорат қилишнинг халқро андозаларга мос тизими вужудга келди.

## ЭРКИНЛАШТИРИШ, ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА БАРҚАРОРЛИК ШАРТЛАРИ

Ўтказилган ислохотларнинг учинчи ва тўртинчи босқичлари — 2001 — 2010 йилларда банк тизимини янада эркинлаштириш, банк ишини такомиллаштириш, мамлакат банк тизими барқарорлигини таъ-

минлаш ва салоҳиятини ошириш, молия-банк сектори таркиби ва инфратузилмасини ривожлантириш йўналишида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди.

Энг аввало, банк фаолияти янада эркинлаштирилиб, банк операциялари, хусусан, кредитлашни қадам-бақадам белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатлар бекор қилинди, мижозларининг молиявий ҳолати, бизнес-режаларининг ҳаётийлиги, кредит таъминоти ликвидлиги ва бошқа сифатларига нисбатан талабларни белгилаш ваколати тижорат банкларининг ўзларига ўтказиб берилди, тижорат банклари молиявий ҳолати учун банк Кенгаши ва бошқарувининг жавобгарлиги оширилди.

Бунинг натижасида тижорат банкларида кредитлаш жараёнлари оптималлашуви ва содаллашуви юз берди, банк акциядорларининг банкни бошқаришдаги масъулияти, роли ва аҳамияти ошди, банклари бошқариш сифати яхшиланди. Ўз навбатида, соҳада рақобат муҳити кучайди ва пировардида иқтисодиётни кредитлаш ҳажмлари ошиб борди.

Айни чоғда иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор механизмлари такомиллаштирилди, муомаладаги товар-пул мувозанатини таъминлашга қаратилган монетар сиёсатнинг билвосита инструментлари фойдаланиш кўламлари янада кенгайтирилди. Ушбу босқичда очиқ бозордаги операцияларда қўлланиладиган қимматли қоғозлар турларини кенгайтириш мақсадида Марказий банкнинг юридик ва жисмоний шахслар учун облигациялари муомалага чиқарилди.

Булардан ташқари, нақд пул муомаласини тартибга солиш механизмлари такомиллаштирилди, савдо ва хизмат кўрсатиш фаолиятидан тушадиган нақд пул тушумини банк кассаларига тўлиқ инкассация қилиниши ҳамда корхоналар ва аҳолининг нақд пулга бўлган талабини уларнинг биринчи муносабатига кўра таъминлаш борасидаги қонунчилик талаблари кучайтирилди. Ушбу жараёнларни мониторинг қилиш ва муаммо юзага келганда уни тезкор ҳал этишнинг самарали тизими шакллантирилди.

Аввало, кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини таъминловчи бирламчи асосий таянч тузилмалар, банкнинг корпоратив бошқарув органлари, шунингдек, ички аудит ва ички назорат хизматларининг фаолияти халқро андозаларга мувофиқ такомиллаштирилди, ваколат ва масъулиятлари кескин кучайтирилди.

Кредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш, тартибга солиш ва назорат қилиш ҳам босқичма-босқич такомиллаштириб борилди. Бундай ташкилотларнинг молиявий барқарорлиги, ўз мажбуриятларини муддатидеда ҳамда тўлиқ бажариши Марказий банк томонидан қатъий ва талабчан банк назорати остига олинди.

(Давоми 5-бетда)

# БУНЁДКОРЛИК, ЯРАТУВЧИЛИК ВА ФАРОВОНЛИК

(Давоми, боши 1-, 4-бетларда)

Шу билан бирга, аҳолининг банкларидаги омонатларини тўлиқ қайтарилишини таъминлаш мақсадида 2002 йилда Фуқароларнинг банкларидаги омонатларини кафолатлаш Жамғармаси тузилди ва фуқароларнинг тўловга қобилиятсиз бўлиб қолган банкларидаги омонатларини ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан қайтариш механизми жорий этилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Банк сири тўғрисида»-ги Қонуни қабул қилиниши асосида эса, мижозлари тўғрисидаги банкка маълум бўлган барча маълумотлар банк сири маълумотлари тоифасига киритилиши, улардан қонунда белгиланмаган ҳар қандай мақсадда учинчи шахслар томонидан фойдаланиши тақиқланди.

Хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг банкларидаги ҳолатини ўрганиш ҳамда ўзига маълумлини танлаш имкониятини ошириш мақсадида кредит ташкилотлари томонидан оммавий ахборот воситаларида ўз фаолияти тўғрисидаги кенг доирадаги маълумотларни эълон қилиниши йўлга қўйилди. Жумладан, банклар фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида уларнинг аудиторилик ташкилотлари томонидан тасдиқланган молиявий ҳисоботларини ОАВда эълон қилиш юзасидан мажбуриятлари белгиланди.

Яратилган кафолатлар аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк тизимида бўлган ишончини янада оширди ҳамда уларнинг банкларидаги депозитлари ҳажмининг юқори суръатларда ўсишига ёрдам берди.

Шулар баробарида валюта сиёсати эркинлаштирилди ва такомиллаштирилди, мамлакатимизда Халқаро валюта жамғармасининг миллий валютани жорий халқаро операциялар бўйича конвертация қилиниши ҳақидаги Келишув моддалари бўйича мажбуриятларни қабул қилди.

Ички валюта бозорида эса сўм маблағларини конвертация қилиш учун хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ваколатли банкларга тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати кескин қисқартирилди. Буларнинг натижасида экспортга чиқарилган маҳсулотлар ҳажми кўпайди, миллий валютаимиз халқаро захираларимиз миқдори ўсиб борди. Бугунги кунда халқаро захираларимиз миқдори Халқаро валюта жамғармаси талабидан бир неча маротаба зиёдни ташкил қилади.

Бундан ташқари, ички валюта бозорининг эркинлаштирилиши Ўзбекистон банклариининг Жаҳон банки, Европа тикланиши ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки каби халқаро молия ташкилотлари ҳамда АҚШ, Германия, Япония, Буюк Британия, Швейцария, Бель-

гия, Туркия, Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея каби мамлакатларнинг миллий молия институтлари билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйишини таъминлади.

## ЕТТИ ЎЛЧАБ, БИР КЕС

Юртимизда амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг самарасини бугунги кунда эришилаётган макроиқтисодий кўрсаткичларга назар ташлаган ҳолда яққол кузатишимиз мумкин. Хусусан, республикамиз иқтисодий ўсиш суръатлари 2012 йилда 8,2 фоизни, жорий йилнинг биринчи ярмида эса 8 фоизни ташкил этди. Экспорт ҳажми 11,6 фоизга ўсиб, экспортга йўналтирилаётган маҳсулотларнинг 70 фоизи тайёр товарлардан иборат бўлди.

Ҳали-ҳануз 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози талофатларидан сўнг ташқи қарз ва бюджет дефицити муаммоларига дуч келган қатор мамлакатлардаги номуаносибликларга ечим топилмаётган бир вақтда, республикамизнинг жами ташқи қарзлари жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра ЯИМ ҳажмининг атиги 16 фоизини ташкил этди. Бу — Халқаро валюта жамғармаси экспертларининг ҳулосасига қараганда, дунёда энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Давлат бюджети эса 2005 йилдан буён ЯИМга нисбатан профицит билан ижро этилиб келинаётгани мамлакатимизда фискал сиёсатининг самарали ижро этилаётганидан далолат беради.

Шу ўринда муҳтарам Юртбошимизнинг XII чақирғи Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгагининг X сессиясида (1992 йил, 2 июль) сўзлаган нутқларида ташқи қарз тўғрисида билдирган фикрларини келтириш лозим:

«Хорижий дунё бозори билан, дунё банклари билан, тижоратчи фирмалар билан алоқа боғладик. Бу жуда нозик масала. Қайси давлат бизга қанча ва қандай шарт билан сармоя ва қарз беради? Қарз берган давлатларнинг сиёсий шартлари бўлмайдими? Бировдан қарз олиб, кейин унинг илмоғига тушиб қолмаймизми? Улар бизга тазйик ўтказмайдими? Олган қарз-кредитларимиз бўйнимизда оғир юк бўлиб қолиб кетмайдими?»

Минглаб шундай саволларга жавоб излашга ва топишга тўғри келди.

Қарз олиш осон, бу ҳаммамизга маълум, лекин уни бир кун келиб тўлаш ҳам керак. Биз фақатгина бугунги кунни эмас, балки эртаимизни, келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз керак. Бугун биз хато қилиб қўйсақ, фарзандларимиз келажакда қоқилиб қолишини ҳисобга олмасак бу — катта гуноҳ бўлади».

Ҳали мустақилликка эришганимизга бир йил тўлмасдан туриб давлатимиз раҳбари томонидан айтилган бу башоратнинг нечоғли ҳаққонийлигини, унда илгари сурилган ғоялар

теран мушоҳадаларга асосланганлигини тараққиётимизнинг ҳозирги ривожланиш босқичи яққол тасдиқлаб турибди. Зеро, биз қарз ҳисобидан вақтинчалик муваффақиятга эришишдан воз кечиб, иқтисодиётни таркибан қайта қуриш ва уни жадал ривожлантиришни афзал кўрдик.

Банк тизимининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган аниқ мақсадли чора-тадбирлар охириги ўн йил давомида банклар жами капиталини 9 баробардан зиёдга, охириги уч йил ичида 2 баробардан ортиқ ўсишини таъминлади. 2013 йилнинг биринчи ярим йиллигида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан банк тизими умумий капиталга ҳажми 23,6 фоизга ошди. Натижада бугунги кунда банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 24,3 фоизни ташкил қилиб, қабул қилинган умумий халқаро стандартлардан 3 баробар ортиқдир.

Банк тизимининг ликвидлик кўрсаткичи охириги йилларда 65 фоиздан (2013 йил 1 июль ҳолатига кўра — 65,5 фоиз) юқори бўлиб, талаб этиладиган энг кам даражадан (30 фоиз) 2 баробардан ҳам зиёдни ташкил қилди. Ўз навбатида, республикамиз иқтисодиёти, шу жумладан, банк тизими фаолиятининг ижобий натижалари жаҳон ҳамжамияти ва халқаро молия ташкилотлари томонидан юксак баҳоланмоқда.

Жумладан, Халқаро валюта жамғармасининг 2012 йил 28 ноябрь — 7 декабрь кунлари Ўзбекистонга ташриф буюрган миссияси ўз баёнмасида қуйидагиларни эътироф этди:

**«Ўзбекистон банк тизими юқори кўрсаткичларга эришишни давом эттирмоқда. Халқаро стандартлардан келиб чиқиб тижорат банклари капиталининг етарлилик кўрсаткичи юқори даражада сақланмоқда.**

**Барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз жалб қилишдаги эҳтиёткорона ёндашув мамлакатни жаҳон инқирозининг бевосита оқибатларидан ҳимоя қилди».**

Яна бир катта эътироф — Буюк Британиянинг рискларни таҳлил қилиш билан шуғуланувчи «Мейплкрофт» консалтинг компаниясига тегишлидир. Ушбу нуфузли ташкилот томонидан эълон қилинган жаҳон мамлакатларининг узоқ муддатли инвестициялар учун жозибадорлик рейтингига жаҳоннинг 175 та давлати ичида Ўзбекистон биринчи 20 талик таркибга киритилди.

Бундай юксак баҳолар, мамлакатимиз иқтисодиёти ва банк тизимини ривожлантиришда эришилаётган юқори натижалар Юртбошимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури ва «ўзбек модели»нинг ниҳоятда тўғри ва самарали эканлигини кўрсатмоқда.

Банк тизимининг барқарор ривожланиб бораётгани халқаро рейтинг компаниялари томонидан ҳам тасдиқланмоқ-

да. Жаҳонда катта нуфузга эга бўлган «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги томонидан кетма-кет охириги уч йилда республикамиз банк тизимининг ривожланиш истиқболларига «барқарор» рейтинг даражаси берилди. «Стандарт энд Пурс» агентлиги ҳам мамлакатимиз банк тизимини ижобий баҳолаб, рейтингини бир поғона юқорига кўтарди. Мамлакат банк тизимининг барқарор ривожланаётганлиги «Фитч рейтингс» агентлиги томонидан ҳам эътироф этилди.

2010 йилда халқаро рейтинг агентликларининг «барқарор» рейтингини олган тижорат банклари сони 13 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча 29 та банк шундай рейтинг баҳога эгадир.

Шу ўринда таъкидлаш мумкинки, Халқаро валюта жамғармасининг охириги тадқиқотларига мувофиқ, Ўзбекистон ҳар 100 минг (катта ёшли) аҳолига тўғри келадиган банк муассасалари сонига кўра МДҲ мамлакатлари ўртасида етакчилик қилмоқда.

## ЯҚИН КЎМАКЧИ, ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Ҳозирги кунда республикамизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари сони — 29 тани, уларнинг республикамиз ҳудудларида фаолият кўрсатаётган филиаллари сони — 832 тани, мини-банк ва махсус касалари сони 4 мингтадан зиёдни ташкил қилмоқда. Мамлакатимиз банклариининг барқарор ҳолати, банк тизимида бўлган ишончнинг ошиши ҳамда аҳоли реал даромадларининг ўсиб бораётганлиги юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилишнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Охириги 10 йил давомида хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг банкларидаги депозитлари ҳажми 30 мартага, шу жумладан, аҳоли омонатлари ҳажми 41 баробарга ошди. Охириги уч йил ичида банкларидаги жами депозитларнинг ҳажми 2,6 баробарга, шу жумладан, аҳоли омонатлари 2,4 баробарга ортди. Натижада тижорат банклари томонидан жалб қилинган депозитлар ҳажми 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра 23,1 триллион сўмга етди.

Банк тизимида бўлган ишончнинг мустаҳкамланиб бораётганини «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги марказининг ижтимоий тадқиқот натижалари ҳам тасдиқламоқда. Сўнгги ижтимоий сўров натижаларига кўра, унда иштирок этганларнинг 95 фоизи мамлакатимиз банкларида ишончи юқори эканлигини ҳамда жамғармаларини банкларида сақлашларини билдирган. Банкларнинг капиталга ҳамда жалб қилинган депозитлари ҳажмининг муттасил ўсиб бораётгани, ўз навбатида, банк тизимининг республика иқтисодиёти ривожлантиришга, банкларнинг инвестициявий фаолиятини кенгайтиришга хизмат

қилмоқда.

2012 йилда банклариининг жами активлари 30 фоиздан кўпроққа, сўнгги 10 йил ичида эса ушбу кўрсаткич 11 баробардан зиёдга, охириги 3 йилда эса 2,3 баробарга ошиб, 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, 37,1 триллион сўмни ташкил этди. Тижорат банклариининг иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми эса ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 30,9 фоизга ортиб, 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, 21,3 триллион сўмга етди.

Банклариининг кредит портфели таркибидagi сифат ўзгаришлари натижасида узоқ муддатли кредитларнинг жами кредит қўйилмаларига салмоғи 79,2 фоизга етди. Муддати 3 йилдан кўп бўлган узоқ муддатли кредитлар 30,9 фоизга кўпайиб, умумий кредит портфелининг 76,8 фоизини ташкил этмоқда. Умуман, иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмаларининг умумий ҳажми сўнгги 10 йилда 9 мартага, охириги уч йилда эса 2,4 баробарга ошди. Ўз навбатида, тижорат банклари томонидан инвестиция мақсадларига ажратилган кредит қўйилмалариининг ҳажми 5,7 триллион сўмни ташкил қилди. Охириги беш йилда инвестициявий кредитларнинг ҳажми 4 баробарга, охириги уч йилда эса 2,2 баробарга ошди.

Республикамиз тижорат банклари ўзларининг кредитлари билан иқтисодиётимиздаги стратегик ва муҳим иқтисодий-ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қатор йирик инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этаётгани, айниқса, эътиборлидир. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, замонавий технология асосида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида тижорат банклари томонидан 2013 йилнинг 1-ярим йиллиги давомида 3,45 триллион сўмлик (ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,31 марта кўп) инвестициявий кредитлар ажратилгани ана шундан далолат беради.

## МАҚСАД МОҲИЯТНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида банк тизимида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлаб амалга оширилмоқда. Тижорат банклари томонидан экспорт қилувчи корхоналарга айланма маблағларини тўлдириш учун бир йилгача бўлган муддатга ажратилган имтиёзли кредитларнинг ҳажми 362,5 миллиард сўмни ташкил этди. Озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга 690,1 миллиард сўм миқдорда, яъни 2012 йилнинг 6 ойидагига нисбатан 1,2 баробар;

(Давоми 6-бетда)

# БУНЁДКОРЛИК, ЯРАТУВЧИЛИК ВА ФАРОВОНЛИК

(Давоми, боши 1-, 4-,  
5-бетларда)

нооziк-овқат истеъмом махсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун керакли бўлган замонавий технологик ускуналар ҳамда хом ашё ва материалларни сотиб олишга 740,1 миллиард сўм миқдорда, яъни 2012 йилнинг 6 ойидаги нисбатан 1,3 баробар кўпроқ кредит маблағлари ажратилди.

Иқтисодийнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш, базавий тармоқ корхоналарининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш, иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини қайта тиклаш ва модернизация қилишда Ўзбекистон банк-молия тизимининг ҳиссаси тобора ортиб бормоқда.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодий реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармониغا асосан, ўтган йиллар давомида тижорат банклари балансига жами 170 та иқтисодий ночор корхона қабул қилинди. Уларда ишлаб чиқаришни тиклаш ва модернизация қилиш мақсадида тижорат банклари томонидан 429,2 миллиард сўмлик инвестициялар киритилди.

Бунинг эвазига Германия, Япония, АҚШ, Хитой, Италия ва Швейцарияда ишлаб чиқарилган замонавий юқори технологиялар ва ускуналар билан жиҳозланмоқда.

Тижорат банклари томонидан иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини тиклаш бўйича олиб борилган самарали ишлар натижасида, ишлаб чиқариш фаолияти тикланган 123 та корхона 995,5 миллиард сўмга янги инвесторларга сотилди. Шу билан бирга, тижорат банклари балансига қолган 47 та корхонадан 33 тасида ишлаб чиқариш фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, бугунги кунда ушбу корхоналарни янги инвесторларга сотиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, фаолияти тикланган корхоналар томонидан жами 2,2 триллион сўмга яқин махсулот ишлаб чиқарилди ва шундан, 601,5 миллион АҚШ доллари миқдордаги махсулот экспорт қилинди. Бу эса, ўз навбатида, банклар томонидан тикланган корхоналарда кенг қўламдаги истеъмом ва саноат моллари ишлаб чиқарилиб, ички бозорни тўлдиришга ҳамда экспортга йўналиштирилиб, республикамиз валюта захираларини кўпайтиришга хизмат қилмоқда.

## ОБОД ТУРМУШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН САРМОЯЛАР

Республикамизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари томонидан «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросига алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу дастур доирасида жами 320 миллиард сўмлик, шу жумладан, 15 мингта ёш оилага 81

миллиард сўм миқдорда истеъмом кредитлари ажратилди. Бу маблағлар аҳолининг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, турмуш даражасини ошириш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мебель анжомлари, маиший техника ва бошқа узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган махсулотларни сотиб олишга йўналтирилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Умуман, аҳолига ажратилган истеъмом кредитларининг умумий ҳажми сўнгги уч йил мобайнида 2 баробардан зиёдга, шундан ёш оилаларга берилгани 2,4 баробарга ошди.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондиришнинг самарали йўлларида бири, бу — тижорат банклари томонидан фуқароларга ипотека кредитларини ажратишидир. Мазкур соҳа Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакат ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлантилган. Бунинг учун зарур ҳуқуқий-ташқилый пойдевор ишлаб чиқилган.

Шуларга муштарак равишда «Қишлоқ қурилиш банки» ташкил этилди. Ушбу банк очилгандан буён ўтган тўрт йил мобайнида қишлоқда 23,6 минг нафар яқка тартибда уй-жой қурувчига қиймати 1 триллион 400 миллиард сўмдан зиёд ипотека кредитлари ажратилди.

## ИЖТИМОЙ ФАРОВОНЛИК ЭЪТИРОФИ

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 16-17 апрель кунлари мамлакатимизда «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзuidaги халқаро конференция юқори савияда ташкил этилди. Унда қатнашган нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мутахассислар Ўзбекистонда қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш ва аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш борасида олиб борилаётган тизимли чора-тадбирларга юксак баҳо бериб, қўлга киритилаётган ютуқлар ҳавас қилишга арзигулик эканини алоҳида эътироф этдилар.

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИККА МАДАД

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш банк фаолиятининг ғоят муҳим йўналишларидан бири бўлиб, унинг қўллари тобора кенгайиб бормоқда. 2013 йилнинг 6 ойи давомида тижорат банклари томонидан 3,8 триллион сўм миқдорда кредитлар ажратилиб, ушбу кўрсаткич 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баробарга кўпдир.

Жумладан, «Микрокредит-банк» томонидан устувор равишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манзилли қўллаб-қувватланмоқда. Ушбу йўналишлар бўйича кўрсатилган микромолиявий хизматлар ҳажми 2013 йилнинг

6 ойи давомида 125,4 миллиард сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,2 баробарга ошди. Кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли кредит линиялари ҳисобидан 2013 йилнинг 6 ойи давомида 60 миллион АҚШ доллари миқдорда кредитлар ажратилди.

Бундан ташқари, тижорат банкларининг махсус имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг олис ва етиб бориш қийин, меҳнат ресурслари кўп бўлган туманлар ҳамда шаҳарлардаги лойиҳаларни молиялаштириш учун жорий йилнинг 6 ойи давомида 23,7 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди. Бу 2012 йилнинг 6 ойидагига нисбатан 1,4 баробар кўпдир.

## САЛОҲЯТЛИ ЁШ АВЛОД — МУВАФФАҚИЯТЛАР КАЛИТИ

Иқтисодий ислохотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бу борадаги муваффақият, асосан, кадрларга, уларнинг малакаси, ислохотлар, бозор муносабатлари моҳиятини нечоғли идрок этишига боғлиқдир. Шу ўринда Юртбошимизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти — охир-оқибатда кадрлар ва яна кадрлар масаласига боғлиқ, деган сўзларини эслаш ўринлидир.

Ушбу эзгу мақсадда мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилаётгани, натижада соҳага юксак замонавий талабларга жавоб берадиган, янги фикрлайдиган, мамлакатимизнинг келажак тақдирини ишониб топшириш мумкин бўлган ёш мутахассислар етказиб берилмоқда.

Хусусан, мазкур дастур ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2001 йилнинг 26 июлида «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида» ги қарори билан «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисидаги Низом» тасдиқланди. Унинг талаблари асосида биргина жорий йилнинг 6 ойи давомида республика тижорат банклари томонидан олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиётган 7 197 нафар талабага 19,5 миллиард сўм миқдорда имтиёзли, яъни 2012 йилнинг 6 ойидагига нисбатан 1,8 баробар кўп таълим кредити ажратилди.

Бу эса, ёшларнинг баркамол бўлиб вояга етишига, жамиятда ўзларининг муносиб ўринларини топишига моддий қўмақдир, албатта. Қолаверса, Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-

ги Фармони ижроси асосида ёшларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятлари кенгайтирилиб, касб-хуна қоллежлари битирувчилари иш билан таъминланмоқда. Шу мақсадда уларнинг бизнес лойиҳаларини республика тижорат банклари томонидан молиялаштиришга 2013 йилнинг 6 ойи давомида 54,1 миллиард сўм ёки ўтган 2012 йилнинг мос даврига нисбатан 2,4 баробар кўп кредитлар ажратилди.

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар натижасида молиявий хизматлар кўрсатиш узлуксизлиги таъминланиб, тўлов айланмасида нақд пулсиз, жумладан, пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларнинг ҳиссаси ортиб бормоқда.

2012 йилда Юртбошимизнинг 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорига мувофиқ «Ўзкарт» банклари чакана тўлов тизими йўлга қўйилди.

Тижорат банклари томонидан мижозларга юқори сифатли замонавий банк хизматлари кўрсатиш, шунингдек, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари ҳам жadal ривожланиб бормоқда. Жумладан, 2013 йил 1 июль ҳолатига қўра, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар жами сони 190 мингдан зиёдни ташкил этди. Шундан интернет-банкнинг ва «Банк-Мижоз» дастурий маъмууси хизматларидан фойдаланувчилар сони 46 124 нафарга етган бўлса, мобиль-банкнинг ва смс-банкнинг хизматларидан фойдаланувчилар сони 144 минг нафарни ташкил этади.

Ҳозирги вақтда банклар томонидан реал вақт режимда мобиль ва электрон алоқа воқитлари орқали банк ҳисобварақлари эгаларига ушбу ҳисобварақлар тўғрисида маълумот олиш имкониятини беришчи мижозлар учун қўлай бўлган хизмат турлари фаол жорий этилмоқда. Ўтган йилнинг охирида бундай хизматлардан фойдаланувчилар сони 92 мингтадан ошди ёки олдинги йилдагига қараганда ўсиш 1,6 бараварни ташкил этди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2010 йилнинг апрель ойида ташкил этилган «Инқирозга қарши чоралар дастурининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзuida бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий конференцияда халқаро ташкилотлар ва молия институтлари вакиллари, хорижий мамлакатларнинг давлат ва жамоат арбоблари, иқтисодчи

олимлар, бизнесмен ва экспертлар иқтисодий ривожланишнинг беш тамойилига асосланган «Ўзбек модели» тўғри танланганлигини эътироф этиб, уни амалга ошириш асосида эришилган натижаларга юқори баҳо бердилар.

Қолаверса, 2010 йилнинг май ойида мамлакатимизда ўтказилган Осие тараққиёт банки Бошқарувчилари кенгашининг 43-йиллик мажлиси давомида халқаро ташкилотлар, жаҳондаги кўпқабатли йирик молия институтлари вакиллари томонидан ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти, жумладан, банк тизимининг барқарор ривожланаётганлиги тўғрисида ижобий фикрлар билдирилди.

Жаҳондаги глобал молиявий оқимлар ҳажмлари пасайишининг давом этиши, банк тизимлари учун ресурс етишмовчилиги муаммосининг чуқурлашиши ва қатор мамлакатлардаги қарз инқирозининг кучайиши жаҳон иқтисодиётига хавф солаётган ҳозирги даврда республика банк тизимининг капиталлашуви ҳамда ички ресурс базасини кенгайтириш сиёсатини давом эттириш талаб этилади. Шундан келиб чиқиб, банкларнинг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, капиталлашуви, депозит базаси ва ликвидлигини ошириш ҳамда инвестициявий фаоллигини кучайтириш банк тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўлиб қолади.

Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизими янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида» ги қарори бунда энг асосий дастуриламалдир.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, янгиликлар ва модернизациялаш жараёнлари жамиятнинг барча жаҳалари қатори, банк-молия соҳасида ҳам ўзининг ёрқин инъикосини топмоқда. Бу эса, табиийки, юртимизни янада раванқ топтириш, халқимиз турмуш фаровонлигини яқин қандай, ҳаттоки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам барқарор юксалтириб боришга хизмат қилаётир. Зеро, мустақиллигимиз шарофати, Президентимизнинг соҳага бўлган беқиёс эътибори билан мамлакатимизда халқаро андозалардаги мукамал ва замонавий молия-банк тизими яратилди. Бундан кейинги тараққиётимиз, шак-шубҳасиз, Ўзбекистон банк тизимининг янада барқ уриб ривожланишини таъминлайди. Бугун соҳада амалга оширилаётган ислохотлар бунга қатьий ишонч уйғотади.

**Файзулла МУЛЛАЖОНОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Марказий банки Раиси,**  
**Ўзбекистонда хизмат**  
**кўрсатган иқтисодчи.**

O'z ishingining fidoyilari

# Некбинлик манзили

Бу инсоннинг тақдири бошқаларникидан кўп ҳам фарқ қилмайди. Бошқа ҳамкасблари қаторида у ҳам тиббиётга ўқувчилигидан қизиқиб қолган. Ҳа, дастлаб шунчаки қизиқиб қолган. Қизиқишининг сабаби ҳам оддий: биология ва кимё фанидан яхши ўқир экан, ўқитувчилари унга: «Гулчеҳра, сендан яхши шифокор чиқади, ўқишингни сусайтирма», дейишгани.



— Оиламиздаги илмга рағбат туфайли деймизми ёки ўзим шундай бўлиши керак, деб ҳисоблаганманми, барча фанларни яхши ўзлаштиришга тиришардим, — дейди Бўка тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасининг нарколог-шифокори Гулчеҳра Бўрихўжаева. — Бирок бора-бора ўзимнинг кимё ва биология фанларига кўпроқ яқин эканлигимни сездим. Қолаверса, атрофимдаги яхши инсонларнинг рағбатлантириши билан мен ўз олимга шифокор бўлиш мақсадини қўйдим.

Ёш Гулчеҳра мактабни тугатгач, аввалига тиббиёт коллежида ўқиди, сўнгра Тошкент педиатрия-тиббиёт институтининг болалар жарроҳлиги бўлимида сабоқ олди, тиббиётнинг нозик сирларини пухта эгаллади.

Нафақат шифохонада,

балки унинг ташқарисида ҳам шифокор ҳаммага бирдек хушмуомала, хушфеъл бўлиши керак, деб ҳисоблайдиган Гулчеҳра Бўрихўжаева бир қанча даволаш муассасаларида самарали меҳнат қилди. Қаерда бўлмасин, у инсонларга фақат эзгулик улашишга интилди. Бугунги ишонасида ҳам у каттаю кичик тиббиёт ходимларининг, гоҳ шифо истаб, гоҳ маслаҳат учун келувчи инсонларнинг ҳам ҳурматиға сазовор.

Шифокорнинг иши осон эмас. У кун давомида турли кайфиятдаги, турли характерли одамларни қабул қилади. Тилини топиб муомала қилмасанг, уларнинг дилини оғритиб қўйишинг ҳеч гап эмас. Тажрибали тиббиёт ходими Гулчеҳра Бўрихўжаева бу ҳолға ишининг энг муҳим бўлаги деб қарайди.

— Олдингизға ҳеч бир бемор мен шу оғриқ билан қўйналиб ўтсам керак, деган ёмон ният билан кел-

майди, — дейди у. — Ҳар бир инсон шифокорға ишониб, ундан мадад истаб келади. Бир инсон сенға ишониб дардини айтаяптими, биринчи галда уни яхшилаб тинглаб, сўнг унинг умид учқунини алангалатишинг, ҳаётға бўлган ишончини орттиришинг керак. Тўғри, баъзан, эй доктор, қўйналиб кетдим, деб сал умидсизланган одамлар ҳам учрайди. Бирок шу даргоҳға келибдими, унда ҳам келажакка бўлган ишонч ҳали сўнмаган. Бизнинг вазифамиз ана шу ишончини улкан некбинликка айлантиришидир.

Ана шу қараш Гулчеҳра опани турли тарғибот тадбирларини ўтказишда фаол бўлишға ундайди. Унинг ташаббуси билан туман аҳолиси, айниқса, ёшлар ўртасида кўпгина тадбирлар ўтказиб турилади. Ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш масаласиға бағишланган

«Гиёҳвандлик — тубсиз жарлик», «Тамакидан воз кечинг», «Гиёҳвандлик — аср вабоси», «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз» сингари тарғибот тадбирлари шулар жумласидан. Умуман, туманда бу каби тадбирларни ўтказиш анъанаға айланганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Гулчеҳра опа жамоамизнинг фахри, фидойи шифокор, — дейди поликлиника мудир Муқаддас Мирсолиева. — У кишининг фазилатларидан бири талабчанлигидир. Ҳурматға лойиқ жиҳати — Гулчеҳра опа ўзигаёям, шоғирдларигаёям шундай муносабатда.

Ҳикоямиз юртимиздаги минглаб фидойи инсонларнинг бири ҳақида бўлди. Гулчеҳра опа сингари ўз касбининг жонкуяр эгалари кўп. Улар бор экан, мамлакатимиз равнақ топиб бораверади.

**Ашуралӣ БОЙМУРОД,**  
«Turkiston» мухбири

Mening fikrim

# Ҳуқуқини билган бурчини ҳам англайди

Замонавий киши, деганда сиз қандай одамни кўз олдингизға келтирасиз? Интеллектуал салоҳияти юқори, чет тилларда бийрон сўзлаша оладиган, ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланишни яхши биладиган инсоними? Албатта, ҳар кимнинг замонавийлик ҳақидаги ўз қарашлари ва тасаввурлари бўлади ва мазкур хислатлар ҳам замонавийлик белгиларидан.

Менинг фикримча, бугунги кунда қайси соҳада бўлмасин, ўз ҳақ-ҳуқуқини пухта билувчи, ўзининг, халқининг, ватанининг шаънини юксак тутувчи, манфаатларини ҳимоя қилувчи инсон ҳақиқий замонавий инсондир.

Фаолиятим давомида жуда кўп бора гувоҳ бўлганман: фуқаролар орасида кимки ҳуқуқини яхши билса, унинг иши юришган. Мен ҳуқуқ ва бурч тушунчаларини айро ҳолда тасаввур этолмайман. Бурчини англаб, ҳуқуқини англамаслик мумкин, деган фикрга ҳам асло қўшилмайман. Қонунлардан хабардор, турмушида, иш фаолиятида зарур барча ҳақ-ҳуқуқларини биладиган киши-

лар, албатта, мамлакат ва халқ олдидаги бурчларини ҳам ҳис қилишади.

Мустақилликни, улугъ неъмат, деймиз. Унинг улугълиги шундаки, у бизға энг авваламбор, ҳуқуқимизни қайтариб берди. Ўзимизни эркин фуқаро сифатида ҳис қилиш имконини яратди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Истиқлол айёми арафасида кўпчилигимизнинг қалбимизда ифтихор туйғулари жўш уради. Шоду хуррам байрамни кутиб олишға тараддуд кўрамыз. Байрамнинг ўзини эса оилавий нишонлаймиз. Шунда, қанийди, дейман, ҳар бир ота-она байрам олдида, яъни ҳар бир хо-

надонда «мустақиллик», «истиқлол», «1 сентябр» каби сўзлар кўпроқ янграйдиган дақиқаларда ўша сўзларнинг моҳияти юзасидан болалари билан суҳбатлар уюштирса. Ўша сўзлар ёнида «ҳуқуқ», «бурч» деган сўзларни ҳам оилавий таҳлил этишса. Менимча, ёш авлод онгига бу муқаддас сўзларнинг маъноси янаям кўпроқ сингар эди. Ахир, шахс камолотида, унинг етарли билим олиб улғайишида таълим муассасалари билан бирга, оиланинг ҳам ўрни ниҳоятда катта эмасми?

Ҳуқуқ — инсоннинг доимий йўлдоши. Унга инъом этилган жуда катта бойлик. Лекин бу бойликнинг бошқа бойликлардан бирозгина фарқи бор. У ўзини англаб етганларға вафо қилади.

**Гулзира ШАРИПОВА,**  
Бекобод шаҳар давлат  
нотариал идораси катта  
нотариуси



## «Зебра»даги зебра

Германиянинг Битбург шаҳридаги циркдан зебра қочди. Шаҳар полицияси жониворни кун бўйи қидирди.

Полиция уни топишдан умидини узган пайтда зебра турган жой ҳақида шаҳар аҳолиси телефон орқали хабар беради. Полиция етиб борганда зебра чорраҳанинг ўртасида — йўлнинг «зебра» деб аталадиган қисмида қимирламай турган эди. Немис полицияси бу кулгили ҳолат сабабли воқеанинг кейинги тафсилотларини ошкор этишни хоҳламади.

Эслатиб ўтамиз, Германияда бундан олдин автобус бекатида яширинган филни аранг топишган эди.

## Аквариумда балиқ ови

Литвалик Дионизас Антипенковас супермаркет ичидаги аквариумда балиқ тутди. У тутган балиғи учун пул тўлаган бўлса-да, дўкон маъмурияти уни полицияға топширган.

Дионизас дўкондаги балиқ қармоққа илинадими, йўқми, деган баҳсға жавоб топиш учун шундай томоша кўрсатган. У қармоқ ва балиқ чувалчанларини дўкондан сотиб олган. «Унга балиқ тутиш мумкин эмаслигини айтиб, дўкондан чиқиб кетишини сўрашди, бирок у жанжал кўтарди», — дейди томоша гувоҳларидан бири. Бироз вақт ўтиб, воқеа жойиға полиция чақирилган. «Қизиқчи»ни полиция дўкондан қўлда балиғи билан олиб чиқиб кетган. Литвалик афанди ўзи қилган ишдан сира афсусда эмас, сабаби балиқни аллақачон паққос туширган.

## Уچار туяқуш

Нидерландиялик Барт Йенсен туяқушни учирришға муваффақ бўлди. Барт фермадан ўлган туяқушни олиб, мўмиёлаб қотирди.

Сўнгра қотган туяқушни ўзи ясаган радиоалоқа ёрдамида учадиган самолёт устиға жойлаштирди. Махсус кичик двигателни ишға солиши биланок, туяқуш қирадир устидан 30-40 метр балангликда парвоз қилди. Бир неча дақиқа бир маромда учган куш яна қўнди. Куш парвозини кўрганлар уни видеоға олдилар. Голландлар бундан олдин мушукка ҳам қанот қоқишни ўргатган эдилар. Барча учган ҳайвонларнинг видеолари Youtube сайтида жойлаштирилган.

## Бароқвой ҳали тирик

Украинада ветеринарни хатоси учун судға беришди. Маълумотларға қараганда, маҳаллий аҳолидан бири унга мушугини олиб борган.

Мушук яқинда болалаша керак, томоғи эса оғир касаллик бор эди. Ветеринар унинг операция вақтда ўлганини айтди ва пакет идишға солиб берди. Мушук эгаси уйға келиб, жониворни кўмишға тайёрланаётган вақтида мушук идишдан сакраб чиқиб кетади. Мушук эгаси кўрқиб кетганидан анча вақтгача ўзиға кела олмаган. Сал бўлмаса, тирик бароқвойини кўмиб юборишға бир баҳя қолганди-да. Ветеринар айбини тан олмади. Мушук эгаси бўлса, уни судда айбини тан олар, деб ўйламоқда.

**Интернет манбалари асосида**  
**Жавоҳир КАРОМатов тайёрлади**

